

**“Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш”
интерактив хизматининг намунавий регламенти**

1. Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат (паспорти) номланиши.

ТАҚИ расмий веб-сайти орқали “Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш”

1.2. Хизмат натижаси.

ТАҚИни битирганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ҳаққонийлиги тасдиқланади ёки рад этилади.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакиллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 7 декабрдаги 365-сонли қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6. Бажариш муддатлари.

Муддати чекланмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкаси тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;

- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

ТАҚИ манзили кўрсатилади.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ га қадар.

3.2. Кутиш шартлари.

1-3 иш куни.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);

- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

(қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин)

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

2. “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” хизмати танланади.

3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади:

4. Дипломнинг серияси ва рақами киритилади.

(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

ТАҚИни тугатган талабаларнинг диплом маълумотлари олдиндан ТАҚИнинг маълумотлар базасига киритилган бўлади ва фойдаланувчи томонидан киритилган диплом серияси ва рақами маълумотлар базасидан автоматик равишда текширилади ҳамда маълумотнома электрон нусхаси шакллантирилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар дипломлар базасидан топилмаса рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот маъсул ходим (маъсул ходимнинг Ф.И.Ш лавозими телефон рақами) томонидан жўнатилади. Маъсул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин, талаба сўраган маълумотлар ТАҚИда мавжуд бўлса, 3 (уч) иш куни ичида базага киритилади. Акс ҳолда сўралган маълумотлар топилмаганлиги ҳақида хабар жўнатилади.

(қўшимча бўлса кўрсатилсин)

4.5. Рад этиш сабаблари.

- диплом серияси ва рақами тўғри киритилмаганлиги:
- жисмоний шахсининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилганлиги.

5. Хизмат кўрсатиш сифати.

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби.


Рад этиш ҳолларда аризачи юқорида турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Кадрлар бўлими
инспектори


Н.Акбарходжаева

“ 25 ” 08 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ахборот технологиялари
маркази бошлиғи


Э.Умматов

“ 25 ” 08 2017 й.